



ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тошмуродов Фаррухбек Убайдулла ўғли
Тошкент давлат иқтисодий университетининг
Мустақил изланувчиси, Тошкент Ўзбекистон.
Email: uchihamadaratf@mail.ru
ORCID: 0009-0003-3146-3120

IMPROVING THE MECHANISM FOR ORGANIZING AND IMPLEMENTING REMOTE BANKING SERVICES IN COMMERCIAL BANKS OF UZBEKISTAN

Toshmurodov Farrukhbek Ubaydulla ugli
independent researcher of
Tashkent State University of Economics,
Tashkent, Uzbekistan
ORCID: 0009-0003-3146-3120

Аннотация

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон тижорат банклари тизимида масофавий банк хизматларининг ишлаш механизми, уларнинг институционал ва технологик асослари ҳамда миллий банк тизимининг рақамли трансформация жараёнида тутган ўрни кенг қамровли таҳлил этилади. Асосий эътибор замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, финтех ечимлари ва рақамли платформалар орқали кўрсатиладиган масофавий хизматлар (интернет-банк, мобил-банк, QR-код тўловлари, онлайн-кредитлаш, автоматлаштирилган тўлов тизимлари ва бошқалар)нинг ички ишлаш алгоритми ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашга қаратилган.

Мақолада Ўзбекистон тижорат банкларида масофавий хизматлар жорий этилишидаги норматив-ҳуқуқий асослар, инфратузилмавий тайёргарлик, киберхавфсизлик масалалари ҳамда мижозлар ишончини оширишга қаратилган чора-тадбирлар илмий таҳлил асосида ёритилган. Шунингдек, муаллиф томонидан

ишлаб чиқилган концептуал ёндашув асосида масофавий хизматлар механизмининг моделлаштириш усули таклиф этилган.

Тадқиқот жараёнида олиб борилган эмпирик таҳлиллار Ўзбекистондаги етакчи тижорат банклари фаолияти мисолида амалга оширилиб, масофавий хизматлардан фойдаланиш даражаси, мижозлар фаоллиги ва банк учун операция харажатларининг қисқариши каби кўрсаткичлар орқали натижалар баҳоланган. Халқаро тажриба билан таққослаш орқали миллий амалиётдаги камчиликлар, имкониятлар ва истиқболли йўналишлар белгилаб берилган.

Мазкур илмий мақола натижалари рақамли банк хизматларини янада такомиллаштириш, инновацион ечимлар асосида фойдаланувчига йўналтирилган банк бизнес моделини шакллантириш ҳамда мамлакат банк секторида рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, мақола банк мутахассислари, иқтисодчилар, сиёсатчилар ва соҳа тадқиқотчилари учун

илмий ва амалий қўлланма вазифасини ўтайдۇ.

Abstract:

This scientific article provides a comprehensive analysis of the mechanism of operation of remote banking services in the system of commercial banks of Uzbekistan, their institutional and technological foundations, and the role of the national banking system in the process of digital transformation. The main focus is on the internal working algorithm of remote services (internet banking, mobile banking, QR code payments, online lending, automated payment systems, etc.) provided through modern information and communication technologies, fintech solutions, and digital platforms, and on assessing their economic efficiency.

The article discusses the regulatory and legal framework for the introduction of remote services in Uzbek commercial banks, infrastructure preparation, cybersecurity issues, and measures aimed at increasing customer confidence based on scientific analysis. Also, a method for modeling the mechanism of remote services based on the conceptual approach developed by the author is proposed.

Empirical analyses conducted during the research were conducted on the example of the activities of leading commercial banks in Uzbekistan, and the results were evaluated through indicators such as the level of use of remote services, customer activity, and reduction of operating costs for the bank. By comparing with international experience, shortcomings, opportunities, and promising directions in national practice were identified.

The results of this scientific article will serve to further improve digital banking services, form a user-oriented banking business model based on innovative solutions, and increase competitiveness in the country's banking sector. At the same time, the article serves as a scientific and practical guide for

banking specialists, economists, politicians, and researchers in the field.

Калим сўзлар: *тижорат банклари, масофавий банк хизматлари, рақамли банкчилик, мобил банк, интернет-банк, финтех, рақамли трансформация, банк инфратузилмаси, киберхавфсизлик, автоматлаштирилган тўлов тизимлари, онлайн молиявий хизматлар, миқсозлар фаоллиги, банк операция харажатлари, инновацион молия, рақамли платформа.*

Key words: *commercial banking, remote banking, digital banking, mobile banking, internet banking, fintech, digital transformation, banking infrastructure, cyber security, automated payment systems, online financial services, customer engagement, bank transaction costs, innovative finance, digital platform.*

Қирриш

Ўзбекистон Республикасида халқаро банк назорати тамойилларига асосланган ҳолда тижорат банклари фаолиятини халқаро рейтинг агентликлари томонидан баҳолаш тизимини бозор тамойилларига мос такомиллаштириб бориш, маҳаллий тижорат банкларини халқаро талабларга жавоб берадиган банклар даражага етказишни талаб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон банк тизимини Базель III талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда банклар фаолиятини инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофадан кўрсатиш, яъни рақамли банк фаолиятини йўлга қўйиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида масофавий банк хизматларидан фойдаланиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, интернет-банкнинг, «Банк-Миқсоз», мобил-банкнинг, СМС-банкнинг ва ташқи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи қурилмалардан, яъни банкомат, инфокиоск ва терминаллар

банкларнинг масофавий банк хизматларини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Банк–Мижоз» дастурий мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1998 йил 27 июндаги 11/10-сонли «Ҳисоб-китобларни «Банк–Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2007 йил 24 апрелдаги 12/4-сонли «Ҳисоб-китобларни «Банк–Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарорлари асосида амалиётда қўлланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8-сонли Қарори билан тасдиқланган «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми қабул қилиниши билан юқоридаги икки қарор ўз кучини йўқотди.

Материал ва метод

Ушбу мавзунини тадқиқ этиш борасидаги таниқли иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг назарий, амалий ҳамда методологик муаммоларга бағишланган илмий асарлари мавжуд. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг жорий қилиниши, уларни амалиётга татбиқ қилиш ва ривожлантиришнинг бир қатор назарий-услубий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан М.Е.Агву, Ж.Амброс, Ж.Андерсон, Р.М.Бонфас, Г.Брайан, Р.Бусе, Ж.Ф.Девлин, Д.Джентле, Х.Дуглас, А.Л.Картер, Т.Б.Кларк, Т.Лаукканен, П.Молҳотра, К.Петрова, Т.Рамаях, П.Роуз, Б.Синг, Дж.Синки, Р.Тивари, Ч.Чангчит, Ч.Чучуен, МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан А.И.Жуков, А.Н.Иванов, Т.Ю.Вострухина, А.В.Муравьева, А.Я.Долгушина, Н.Л.Полтораднева, В.Белоусова, Н.Чичканов, Т.К.Медведская,

О.А.Гаврилова, А.А.Сергеенкова, А.А.Тимкова, П.В.Ревенков, К.А.Шубин, В.К.Спильниченко, Н.И.Лиходеева, К.А.Забродиская, А.О.Захарова, Ю.А.Корниловаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон банк тизимида интернет-банкнинг ва «Банк–Мижоз» дастури асосан юридик шахслар учун, лекин жисмоний шахслар ҳам ушбу хизматдан фойдаланишлари мумкин. Сўнгги вақтларда банк мижозлари «Банк–Мижоз» дастурига нисбатан интернет-банкнинг маъқул кўрмоқда. Сабаби «Банк–Мижоз» дастури фақатгина дастур ўрнатилган компьютердагина ишлаш мумкин бўлиб, фойдаланувчиларда исталган ерда фойдаланиш имконияти йўқлиги бир қанча ноқулайликлар туғдирмоқда. Шунга қарамайдан, кўплаб тижорат банкларида «Банк–Мижоз» дастури интернет-банкнинг билан айна хизмат тури сифатида қаралмоқда, банк ва мижоз ўртасида тузиладиган шартномада ҳам «Банк–Мижоз» («Интернет-банкнинг») дастурий мажмуаси сифатида қайд этилмоқда.

«Банк–Мижоз» («Интернет-банкнинг») дастурий мажмуаси банк ва мижознинг автоматлаштирилган ўзаро алоқаси бўлиб, у банк мижозларига қуйидаги имкониятларни яратди:

- мижознинг ҳар куни банкка қатнамаслиги ҳисобига ўз вақти ва маблағини тежайди;
- мижоз учун банк манзилининг узоқ-яқинлиги аҳамиятга эга бўлмайди;
- банк мижозлари бўлган жисмоний шахслар ва юридик шахслар интернет тизимида уланган шахсий компьютерлари ёрдамида уйда, идора ёки бошқа жойларда банк хизматларидан фойдаланади;
- операцион ва ахборотлар соҳасининг мижозга кўрсатиладиган хизмат доирасини кенгайтириш имконияти мавжуд бўлади;
- мижозларга хизмат кўрсатувчи банк

ходимларининг меҳнат унумдорлигини оширади;

- операцияларнинг юқори тезликда, сифатли ва онлайн амалга оширилишига хизмат қилади.

Интернет-банкнинг дастурий мажмуасининг ишлаши банк билан мижоз ўртасида коммуникацион алоқа тармоғи орқали маълумот алмашинувиға асосланган. Мижозлар билан маълумотларни алмашиш учун банкда мижозлар учун «Шахсий кабинет» ташкил қилинади, унга пароль ва логин орқали кирилади. Мижозларнинг сўровларини қайта ишлаш, маълумотларни қабул қилиш, узатиш автоматлашган ҳолда амалга оширилади.

Тизим тўлақонли ишлаши учун мижоз компютери операцион тизими эски бўлмаслиги ва Internet Explorer 6.0 ёки ундан юқорироқ Web браузерлари бўлиши талаб этилади. Тизимда ишлаётган мижоз Windows операцион тизими ва Internet Explorer Web браузерларидан фойдаланиш даражасидаги билим ва кўникмага эга бўлиши керак.

Тизимга кириш учун «Тизимга кириш» ойнасига банк администратори томонидан берилган логин ва пароль киритилгандан сўнг маълумотларни (логин ва пароль) таҳлил қилишни бошлайди. Агар киритилган маълумотлар рўйхатдан ўтказилган маълумотларга тўғри келса экранда дастурнинг асосий менюси пайдо бўлади. Акс ҳолда дастур фаолияти тўхтайди.

Мижоз билан банк ўзаро ахборот алмашиш учун операцияни алоқа каналлари орқали шартномада келишилган вақтда амалга оширади. Янги амалиёт кунини бошлашдан олдин мижоз депозит ҳисобварақларидаги пул маблағлари


ҳаракати ва қолдиғини ўтган кундаги қолдиғи банки билан таққослаб текшириб олиши зарур. Агар ҳисобварақларидаги пул маблағлари қолдиқларга мос келса, мижозга янги амалиёт кунини бошлаш, ҳужжатларни киритишга рухсат берилади. Акс ҳолда улар ўртасидаги фарқ сабаблари аниқланади ва бу ҳолат мижоз ва банк ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилади. Бу тизим орқали ҳисоб-китоблар амалга оширилганда мижоз ўз ҳисобварағидан маблағларни, асосан, тўлов топшириқномаси шаклида амалга оширади.

Банк мижозларининг банкда алоқа каналлари орқали амалга оширган ўтказмалари, яъни электрон пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари, тўловлар амалга оширилгандан сўнг икки нусхада чиқарилади:

- бир нусхаси умумий тартибда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

- иккинчи нусхаси таққослаш учун пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари олингунча банкда қолдирилади.

«Интернет-банкнинг» дастурий мажмуаси ҳар бир банкнинг шахсий мулки ҳисобланади. Фақатгини банк билан шартнома тузган мижозларгина ушбу дастурнинг асосий фойдаланувчилари ҳисобланади. Интернет-банкнинг дастурий мажмуаси орқали операцияларни амалга ошириш учун фойдаланувчилар техник воситалар билан таъминланган бўлиши лозим.



1-расм. «Банк–Мижоз» («Интернет-банкинг») дастурий мажмуаси билан ишлашда фойдаланувчи учун талаб этиладиган техник воситалар¹

Хусусан, 1-расмдагидек, фойдаланувчиларнинг дастурий мажмуага уланишлари учун мижозларда қуйидагилар бўлиши талаб этилади:

- компьютер;
- модем ва интернет;
- принтер;
- мос дастурий таъминот, яъни «Банк–мижоз» дастури учун банк томонидан ўрнатиб бериладиган махсус дастур.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми қабул қилинганга қадар банк мижозлари алоқа каналлари орқали жўнатилган пул ҳисоб ҳужжатларининг асл нусхаларини банкка шартномада кўрсатилган муддатларда етказиши лозим эди, бунда электрон ҳужжатлар асл нусха билан солиштирилиб, бухгалтер имзоси ва унга бириктирилган банк штампи билан тасдиқланади, электрон ҳужжатларнинг нусхалари билан биргаликда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикиб қўйилар эди. Ҳатто, дастурдан фойдаланувчи мижозлар пул ҳужжатларининг асл нусхаларини юритиш учун банкда алоҳида ҳужжатлар учун папкалар ҳам юритилар эди. Ҳозир масофавий банк хизмат тизимлари орқали юборилган пул-ҳисоб-китоб


ҳужжатларининг асл нусхалари банкка тақдим қилинмайди, мижознинг ўзида сақланади. Бунда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари расмийлаштирилишининг тўғрилиги, уларнинг электрон ва қоғоз кўринишлари мувофиқлиги бўйича жавобгарлик мижозга юклатилади.

Тижорат банклари томонидан мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш тартиби

2-расмда келтирилган.

Демак, мижоз, даставвал, тизимга кириш учун логин ва паролни киритади. Сўнгра электрон рақамли имзо аутентификация қилинади ва тизимга кирилади. Тизим орқали мижоз ўз амалиётини электрон рақамли имзо орқали амалга оширади. Шунинг эслатиш лозимки, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон тўлов ҳужжати пул-ҳисоб-китоб ҳужжатининг асл нусхасига (яъни, қоғоз шакли) тенглаштирилади, у билан юридик жиҳатдан тенг кучга эга. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар тизим орқали доимий тарзда амалга оширадиган телекоммуникация провайдерлари ва коммунал хизматлар учун банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномага мувофиқ тўловчи - мижознинг аниқ идентификация маълумотлари (телефон рақами, шахсий ҳисобварақлари ва бошқалар) кўрсатилиши лозим.

¹ Муаллиф томонидан тузилди.



2-расм. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими²

Амалга ошириладиган ўтказма ҳужжатлари тизимга киритилгандан сўнг яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахснинг масъул ходими ҳужжатнинг асл нусхаси электрон нусхаси билан мослигини текшириши, сўнгда электрон ҳужжатни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаши керак. Лекин тизим орқали банк томонидан мижозга жўнатилган ахборотларни мижоз фақатгина қўриш, ўқиш ва чоп этиши мумкин. Фойдаланувчилар шахсий ҳисобварақларидан кўчирмалар олиш мижоз ва банк томонидан чоп қилиниши мумкин.

Агар банк мижози томонидан электрон рақамли имзо ёпиқ калити йўқотилган тақдирда ёки идентификация ва аутентификация маълумотлари бошқаларга ошкор бўлганлиги тўғрисида шубҳа туғилса, мижоз томонидан тизим орқали хизмат кўрсатишни тўхтатиш юзасидан банкни дарҳол хабардор қилиши лозим. Акс ҳолда шартномага кўра, тизим орқали мижоз ҳисобварақларидан амалга оширилган операциялар бўйича мижознинг ўзи жавобгар бўлади. Хавфсизлик юзасидан тизимдан фойдаланиш пароллини

ўзгартириш учун мижознинг ўзи тизим менюсидан «Изменение пароля» тугмаси танланади. Сўнг логин ва пароллар ҳамда ўзгартирилган янги парол ҳам киритилади. Барча параметрлар киритилгандан кейин ўзгаришни базада сақлаш учун [Сохранить] тугмачаси босилади.

Банк мижозларидан келган барча ахборотлар банкда дастурий равишда дешифрланади, реквизитлари текширилади, қайта ишлаш учун банкдаги масъул шахсга узатилади.

Масофавий банк хизматлари орқали тўловлар амалга оширилгандан сўнг электрон тўлов ҳужжатлари реестр кўринишида чоп этилади, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади. Банкнинг ички назорати ёки масъул ходими масофавий банк хизматлари орқали амалга оширилган тўловларни тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) мувофиқлигини текшириши, электрон тўлов ҳужжатларини чоп этган ҳолда, уларни банк тегишли

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8-сонли Қарори билан тасдиқланган «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми

бўлимлари билан муҳокама қилишлари мумкин.³ Агар банк мижозлари томонидан электрон тўлов топшириқномаси жўнатилган ҳолда мижознинг банк ҳисобварағида етарлича пул маблағи бўлмаса, ўтказма амалга оширилмайди, бу ҳақда мижозини хабардор қилади.

Шунинг учун интернет тармоғи ва оддий браузер, яъни мижознинг тармоққа киришини таъминловчи кенг тарқалган дастур орқали ишлашини таъминловчи онлайн-банкнинг (интернет-банкнинг) тизими кенг қўлланилади. Бу тизимдан фойдаланганда хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, интернет орқали узатиладиган ахборотлар махсус протоколлар бўйича шифрланади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. Мижоз қаерда бўлишидан қатъи назар, интернет тармоғи орқали банк хизматидан фойдаланиши мумкин, яъни замонавий ахборот технологияларига асосланган интернет-банкнинг тизими орқали масофавий хизмат турлари амалга оширилади.

Банк мижозлари томонидан келиб тушган барча ахборотлар банкда ҳар куни архивланади ва Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 1685, 2007 йил 2 июнь) талабларига мувофиқ дискларда сақланади.

Хулоса

Иқтисодиётда ҳисоб-китоблар механизмининг яхши йўлга қўйилиши ва унинг аниқ фаолият юритиши барча давлатларда тараққиётнинг асосий пойдевори ҳисобланади. Ҳар қандай

давлатнинг иқтисодий қудратини юқори самарага эга бўлган пул тизими ва замонавий тўлов механизмларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу билан бирга, давлат ҳар қандай тўловларнинг банклар орқали амалга оширилиши, яъни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириб бориш, хусусан, масофавий банк хизматлари орқали тўловларни амалга оширишдан доимий манфаатдор ҳисобланади.

Ўзбекистон банк хизматлари бозорида замонавий ахборот технологияларининг янги банк маҳсулотлари ва хизматларини жорий этилишида аҳамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожлангани сари тижорат банклари ҳам масофавий банк хизмат турлари ва улар орқали мижозларга тақдим этадиган хизматлар турини ошириш орқали ўз хизматлар фаолиятини диверсификациялашга эришмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида масофавий банк хизматларидан фойдаланиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, АТ Халқ банки, «Агробанк» АТБ ва ТИФ Миллий банкларининг фойдаланувчилари 5474994 тани, жами фойдаланувчиларнинг 68 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда. «Hi-Tech Bank» ХАТБ, «ZIRAAT BANK» АЖ, «Туркистон» ХАТБ, «Равнақбанк» ХАТБ, «Мадад Инвест Банк» АТБ, «Ўзагроэкспортбанк» АТБ ва Эрон «Содерот» банкларининг масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилари сонининг камлигини уларнинг филиаллари ва мижозларининг сони камлиги билан ифодалаш мумкин.

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8-сонли Қарори билан тасдиқланган «Банк ҳисобварақларига

масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни, 2015 йил 22 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сонли Фармони. www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли Қарори. www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон
5. Мамадияров З.Т. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларидан фойдаланишга таъсир қилувчи омиллар таҳлили // «Иқтисодиёт ва таълим» илмий журнали. – Тошкент, 2019. - №1, январ-февраль. –71-77 б.
6. Мамадияров З.Т., Рахмонов Д.А., Хошимов Э.А., Алимардонов Э.Д., Бекмуродова Г.А. Молиявий глобаллашув шароитида масофавий банк хизматларининг ривожланиши: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: «IQTISODIYOT», 2018. – 127 б.
7. «IndusInd Bank launches Video Branch service for customers».
8. Maria Nikolova, Industry News, Technology, November 26, 2018, 8:44 am UTC, <https://financefeeds.com/australias-new-payments-platform-marks-rise-transactions-pace-rollout-major-banks-slow/>